



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУГИ

20 19 йил “1 ” авгууст № 402

Тошкент ш.

**Олий таълим муассасалари талабалари  
ўртасида “Йил талабаси – 2019” Республика  
танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан 2019 йил 15 январда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида 2019 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури”да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

### Б У Ю Р А М А Н:

1. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг ҳар томонлама рақобатбардош кадр сифатида шаклланишларига шарт-шароит яратиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг ўз иқтидорларини намоён этишларига имкониятлар яратиш, талабалик нуфузини ошириш ҳамда юкори натижаларга эришган талаба-ёшларни рағбатлантириш мақсадида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Йил талабаси-2019” Республика танлови (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказилсин.

2. “Йил талабаси-2019” Республика танловининг Ташкилий қўмита, Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва жамоатчилик томонидан билдирилган таклиф ҳамда мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қайта ишланган ва ўзгартиришлар киритилган янги таҳрирдаги Низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита раисига зарур ҳолларда Ташкилий қўмита таркибини янгитдан шакллантириш ва тасдиқлаш ҳукуки берилсин.

4. “Йил талабаси” Республика танловини ўтказиш бўйича вазирлик Ташкилий қўмитаси (К.Шарипов)га:

танловни ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўнилмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та ижобий ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2019 йил 24 май куни Ўзбекистон Миллий университетида таълим ва илм-фан соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашуви мажлисининг 21-сон баёнида белгиланган вазифалар мазмун-моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда ташкил этиш;

танловнинг шаффоғлик асносида ўтказилишини таъминлаш;

танловнинг Республика босқичи комиссияси таркибини танловни ўтказиш бўйича ҳамкор ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларидан иборат шаклда бўлишини таъминлаш;

танлов низомига киритилган ўзгартиришлардан келиб чиқсан ҳолда еттита номинациянинг ҳар бири бўйича олий таълим муассасасида ғолиб бўлган иштирокчилар (7 нафар) тўғрисидаги маълумотлар йиғмажилдини жамлаш ва уларнинг рўйхатини тузган ҳолда танлов комиссиясига тақдим этиш вазифалари топширилсин.

5. Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига:

танлов низомига киритилган ўзгартиришлардан келиб чиқсан ҳолда еттита номинациянинг ҳар бири бўйича ғолиб бўлган иштирокчи (7 нафар) тўғрисидаги маълумотлар йиғмажилдини белгиланган муддатларда Ташкилий қўмитага тақдим этилишини таъминлаш;

олий таълим муассасаси босқичида ғолиб бўлган талабаларнинг танловнинг Республика босқичида иштирок этиш учун Тошкент шаҳрига келиб-кетиш, тураг жой ва овқатланиш билан боғлиқ бўлган молиявий харажатларини олий таълим муассасаси томонидан қоплаш вазифалари юклатилсин.

6. Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (М.Ҳамраев) олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиладиган “Йил талабаси-2019” республика танловини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда ғолибларни тақдирлаш билан боғлиқ бўлган молиявий харажатларни вазирликнинг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланишини таъминласин.

7. Ушбу буйруқ ижроси назорати вазирнинг биринчи ўринbosари К.Шарипов зиммасига юклансин.



Вазир

И.Маджидов



Вазирликнинг 2019 йил *даги*  
-сон буйругига илова

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари  
талабалари ўртасида ўтказиладиган “Йил талабаси-2019”  
танловининг янги таҳрирдаги**

**НИЗОМИ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар ўртасида “Йил талабаси-2019” танловини (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низомнинг амал қилиши хорижий олий таълим муассасаларининг филиалларига, шунингдек, ҳарбий олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Танловнинг асосий мақсади: жамиятга, давлатга етук ёш, рақобатбардош кадрларни етиштириб бериш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, олий ўқув юртлардаги иқтидорли талабаларни аниқлаш, уларнинг ўз салоҳиятларини намоён этишларига имкониятлар яратиш, жамоатчилик фидойилик фазилатларини шакллантириш, талабалик нуфузини ошириш ҳамда рағбатлантиришдан иборат.

3. Танлов босқичма-босқич, ушбу Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ равишда ўтказилади ва куйидаги босқичлардан иборат бўлади:

а) Танловнинг биринчи босқичи ҳар бир олий таълим муассасасида икки турда ташкиллаштирилади:

биринчи тур – ҳар бир факультет (кесими)да ўтказилади;

иккинчи тур – олий таълим муассасаси миқёсида, факультетлар кесимида ғолиб бўлган иштирокчилар ўртасида ўтказилади.

б) Танловнинг республика босқичи жорий йилнинг декабрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

4. Куйидагилар танлов ўтказишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) биринчи – олий таълим муассасаси босқичида ректор (директор) бошчилигига тегишли мутахассислар таркибидан танлов комиссияси ташкил этилиб, улар томонидан:

ҳар бир олий таълим муассасасида ташкил этилган ишчи гурух томонидан ўрганиш асосида танловга тавсия этилган талабаларнинг тақдимотини ташкил этиш;

танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган фанларни ўзлаштириш натижалари, жамоатчилик ишлари ва эришилган ютуклар акс этган ҳужжатларни, талабаларнинг илмий ва ижодий ишларини қабул қилиш ва ўрганиш асосида таҳлил этиш;

танлов иштирокчиларининг дарслардаги иштироки, фаоллик даражаси, етакчилик қобилиятини кузатиш ва баҳолаш;

ғолибларни аниқлашда танлов иштирокчиси бўлган талабага фақат у таҳсил олаётган факультет талабалари томонидан (бир талаба бир

иштирокчига бир маротаба) берилган овозни инобатга олиш ва ғолиб деб топилган иштирокчига танловнинг республика босқичида қатнашиши учун тавсиянома бериш;

б) иккинчи, республика босқичида Ташкилий қўмита ва танлов комиссияси томонидан:

олий таълим муассасаларидан тақдим этилган тавсия хужжатларини ва танлов иштирокчиларининг тақдимот материалларини қабул қилиш, ўрганиш ва таҳлил этиш асосида республика босқичи иштирокчиларини аниқлаш;

сарабалаб олинган танлов иштирокчилари томонидан тайёрланган материаллар тақдимотини ташкил этиш ва ўтказиш;

йўналишлар бўйича танлов иштирокчиларини баҳолаш ва ғолибларини аниқлаш;

танлов ғолибларининг моддий ва маънавий рағбатлантирилишини ташкил қилиш;

танлов ўтиши ва натижаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш ишлари амалга оширилади.

5. Танлов қуидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

а) “**Йилнинг ўз мутахассислиги бўйича энг билимдон талабаси**”, бунда талабанинг олий ўқув юртига киргандан бошлаб фанларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнлардаги иштироки ва фаоллиги, чоп этилган мақола ва тезислари ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти, долзарблигига оид ишлар кўриб чиқилади;

б) “**Йилнинг энг фаол ташаббускор-тарғиботчи талабаси**”, бунда талабанинг олий таълим муассасаси жамоат ишларидаги, Ёшлар иттифоки ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятидаги амалий иштироки, фаоллик даражаси, тарғиботчи сифатидаги намунавий ишлари, ташкилотчилик қобилияти ва шу асосда ўзи ташкил этган тадбирлар мазмуни, эришган ютуклари кўриб чиқилади;

в) “**Йилнинг энг фаол ихтирочи-инноватор талабаси**”, бунда талаба томонидан яратилган илмий ишлар, ихтиrolар, инновацион ғоялари, рационализаторлик таклифлари, уларнинг янгилиги, долзарблиги ва илмий аҳамияти кўриб чиқилади;

г) “**Йилнинг энг фаол спортчи талабаси**”, бунда талабанинг спорт соҳасидаги ютуклари ва эришган натижалари кўриб чиқилади;

д) “**Йилнинг энг фаол ижодкор талабаси**”, бунда талабанинг ўзи танлаган мутахассислиги йўналишидан қатъий назар мусика, адабиёт, санъат ва театр соҳасидаги қизиқишилари ва эришган натижалари кўриб чиқилади;

е) “**Йилнинг энг фаол блогер талабаси**”, бунда талабанинг ижтимоий тармоқларда ўзи яратган ишланмалари, Ахборот-коммуникация тармоғидаги фаоллик даражаси ва ушбу соҳаларда эришган ютуклари кўриб чиқилади;

ж) “**Йилнинг энг намунали тадбиркор талабаси**” (хотин-қизлар учун), бунда талаба-қизларнинг мустакил равишда тадбиркорлик асосида эришган ютуклари кўриб чиқилади.

Шунингдек, танловнинг якуний босқичида Ташкилий қўмита томонидан маҳсус номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиши мумкин.

## **II. Танловнинг олий таълим муассасасидаги босқичини ташкил этиш тартиби**

6. Танловнинг олий таълим муассасасидаги босқичи ҳар йили сентябрь-октябрь ойларида ўтказилади.

7. Танловнинг олий таълим муассасаси босқичининг иккита турда ўтказилганлиги тўғрисидаги йиғилиш (ҳар бир тур бўйича алоҳида) баённомалари танлов комиссияси аъзолари имзоси билан тасдиқланади ва иккита баённома ғолиб тўғрисидаги маълумотлар йигмажилди билан биргаликда 26 октябрдан бошлаб 5 иш куни мобайнида Республика ташкилий қўмитасига тақдим этилади.

8. Танлов комиссияси олий таълим муассасасининг маъмурий-бошқарув ходимлари, мутахассис-ўқитувчилар, ташкаридан жалб этилган мутахассислар, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат таркибда ташкил этилади.

9. Танлов комиссияси куйидаги функцияларни бажаради:

танловнинг олий таълим муассасасидаги босқичи ахборот таъминотини ташкил қиласи;

танлов иштирокчиларидан буюртманомалар ва материалларни қабул қилишни ташкил этади;

танлов иштирокчиси тақдим этган ҳужжатларни ҳамда дарсларда ва жамоат ишларидаги иштироки сифатини баҳолайди;

танлов иштирокчиси бўлган талабани баҳолашда фақат у тахсил олаётган факультет талabalari томонидан (бир талаба бир иштирокчига бир маротаба) берилган овозни инобатга олади.

Танловда олий таълим муассасасида узликсиз (академик таътилсиз) ўқиб келаётган 2, 3 ва 4-босқич талabalari иштирок этиши мумкин.

10. Танловнинг олий таълим муассасаси босқичида иштирок этиш истагини билдирган талabalар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўплами тегишли факультет деканати томонидан сараланади ва 25 сентябрдан бошлаб 20 иш куни мобайнида ҳужжатлар тўпламини қофозда ва электрон шаклда танлов комиссиясига тавсия этилади.

11. Иштирокчига тегишли бўлган куйидаги ҳужжатлар тўплами факультет деканати томонидан тайёрланади ва танлов комиссиясига тақдим этилади:

- танлов иштирокчисининг қобилияти, фанларни ўзлаштириш даражаси, етакчилик қобилияти, эришган ютуклари, дарслардаги фаол иштироки, талabalарга ўрнак бўладиган жихатлари ва жамоат ишларидаги фаолияти ҳақидаги маълумотлар баён этилган икки бетдан ошмайдиган хажмдаги тақдимнома;

- танлов иштирокчисининг фанларни ўзлаштириш натижалари акс этган ҳужжатлар (баҳоларни қайд этиш ва рақалари, талабанинг баҳоларни ўзлаштириш синов дафтарчаси) нусхалари;

- танлов иштирокчисининг нашр этилган илмий, илмий-услубий, ижодий ишлари, уларга тегишли мутахассислардан олинган тақризлар билан бирга;

- турли тадбирлар, танловларда фахрий ёрликлар ва дипломлар билан тақдирланганлиги тўғрисидаги маълумотлар (нусхалари илова қилинади);

- грантларда иштирок этганлиги тўғрисидаги маълумотнома, грантнинг номи, молиялаштириш ҳажми, иштирокнинг шакли ва даражаси кўрсатилади;
- конференциялардаги иштироки ҳақидаги маълумотлар, илмий ишлар рўйхати ва илмий ишлар ксеро нусхалари илова этилган ҳолда тақдим этилади;
- хужжатлар тўпламига киритилган материаллар ва ахборотлар жорий йил давомида чоп этилган бўлиши лозим.

Юқорида зикр этилган хужжатларга қўшимча равишда ҳар бир иштирокчи (алоҳида белгиланган кунларда) танлов комиссияси олдидаҳзлари ҳақида маълумот (таништирув) жараёнини амалга оширадилар ҳамда ижтимоий-сиёсий билимлари (мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси, фуқаролар хуқуқий билимларини ошириш борасидаги амалий ишлар, ички ва ташки сиёsat ва х.к.) юзасидан сұхбатдан ўтадилар.

12. Танлов комиссияси, иштирокчиларнинг хужжатлар тўплами, дарсларда ва жамоат ишларида иштироки сифатини, шунингдек, иштирокчи билан индивидуал ўтказилган сұхбат доирасида олинган маълумотларни баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир номинация бўйича ғолиблар (1, 2, 3-ўринлар)ни аниқлайди ва биринчи ўрин совриндорларини танловнинг республика босқичида қатнашиш учун тавсия этади.

13. Номинациялар бўйича 1, 2 ва 3-ўринларни ғолиблар олий таълим муассасасининг фахрий ёрлиги билан мукофотланади ҳамда тегишли равищда 1-ўрин соҳиби базавий ҳисоблаш микдорининг етти баробари, 2-ўрин соҳиби базавий ҳисоблаш микдорининг олти баробари ва 3-ўрин соҳиби базавий ҳисоблаш микдорининг беш баробари микдорида моддий рағбатлантирилади.

14. Моддий рағбатлантириш учун пул маблағлари олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи асосида олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ажратилади.

### **III. Танлов ташкилотчилари ва таъсисчилари**

15. Танловнинг республика босқичи ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида ўтказилади.

Танловнинг республика босқичини ўтказиш ташкилий қўмитаси (кейинги ўринларда Ташкилий қўмита) таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади. Ташкилий қўмита таркибига тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, шунингдек, бошка ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

16. Куйидагилар Ташкилий қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Танловни ўтказиш муддатларини белгилаш ва уни юқори ташкилий даражада ўтказиш;

Ҳар бир номинация бўйича алоҳида танлов комиссияси (экспертлар гурухи) таркибини шакллантириш;

Ҳар бир номинация бўйича баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

Танлов доирасида ўтказиладиган тадбирларни ёритиб бориш учун оммавий ахборот воситаларини жалб этиш.

17. Ташкилий қўмита, қоидага кўра, раис, раис ўринбосари, Ташкилий қўмита котиби ва аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Ташкилий қўмита раиси, раис ўринбосари ва котиби унинг аъзолари орасидан сайланади.

18. Ташкилий қўмита раиси:

Ташкилий қўмита мажлиси кун тартибини белгилайди ва уни ўтказади;

Ташкилий қўмита қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қиласди;

Ташкилий қўмита аъзоларига юкланган вазифаларни бажариш бўйича ишларни мувофиқлаштиради.

19. Ташкилий қўмита аъзолари қўйидаги хукукларга эга:

Ташкилий қўмита мажлисларида кўриб чиқилаётган масалаларни мухокама қилишда ва ҳал этишда қатнашиш;

кўриб чиқилаётган масалалар бўйича хулосалар тақдим этиш.

Ташкилий қўмита фаолиятида иштирок этиш жамоатчилик асосида амалга оширилади.

20. Ташкилий қўмита мажлисини раис ёки раис ўринбосари бошқаради.

Ташкилий қўмита мажлиси аъзоларининг учдан икки қисми қатнашганда ваколатли ҳисобланади.

21. Ташкилий қўмита котиби:

Ташкилий қўмита мажлисига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Ташкилий қўмита раиси билан мажлиснинг ўтказиладиган жойи ва вақтини келишади;

Ташкилий қўмита аъзоларини мажлиснинг ўтказилиш санаси, жойи ва кун тартибидан хабардор қиласди;

Ташкилий қўмита мажлисларининг кун тартибидаги масалалар бўйича ўтказилишини ташкил этади;

Ташкилий қўмита мажлиси баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқлангандан сўнг Ташкилий қўмита аъзоларига ва манфаатдор ташкилотларга юборади.

22. Ташкилий қўмита қарори аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлганда Ташкилий қўмита раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

23. Ташкилий қўмитанинг иш тартиби у тасдиқлайдиган регламент асосида белгиланади.

24. Танловнинг таъсисчиси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳисобланади:

25. Таъсисчи танловнинг барча босқичларини ташкиллаштириш ва ўтказиш жараёнида Ташкилий қўмита томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашда бевосита ҳамкорлик қиласди ва ўз вакилларининг Ташкилий қўмита аъзоси сифатида самарали ишлаши учун шарт-шароитлар яратади.

#### **IV. Танловнинг республика босқичини ўтказиш**

26. Танлов комиссияларининг ҳар бир номинация бўйича таркиблари Республика Ташкилий қўмитаси томонидан тасдиқланади.

27. Танловнинг Республика босқичи икки турда ўтказилади:

биринчи турда – танлов комиссиялари тақдим этилган иштирокчиларнинг хужжатларини 10 иш куни мобайнида кўриб чиқади ҳамда ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган мезонлар асосида иккинчи тур иштирокчиларини аниқлайди.

Иккинчи турда – иштирокчилар:

- ўзлари ҳақида маълумот берадилар;

- ижтимоий-сиёсий билимлари (мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси, фуқаролар ҳукуқий билимларини ошириш борасидаги амалий ишлар, ички ва ташқи сиёsat ва х.к.) юзасидан сұхбатдан ўтадилар;

- ўз йўналиши (номинация) бўйича тақдимотларини намойиш этадилар, мазкур жараёнда уларга ўз илмий-ижодий салоҳияти ва қизиқишлигини намоён этиш имконияти берилади (бунда танлов комиссияси аъзолари томонидан иштирокчига қўшимча саволлар берилиши ва баъзи масалаларга аниқликлар киритилиши мумкин).

28. Иштирокчиларнинг тақдимотини ўтказиш муддати ноябрь ойининг иккинчи ярми мобайнида Ташкилий қўмита томонидан белгиланган кунда ҳар бир номинация бўйича алоҳида ўтказилади.

29. Танлов комиссиялари танлов ишлари тақдимотини баҳолашда Ташкилий қўмита томонидан ишлаб чиқилган, номинация бўйича мезонларга амал қиласди. Танлов комиссиялари мажлислари баённомалари Ташкилий қўмита раиси томонидан тасдиқланади.

30. Зарур ҳолатларда, Ташкилий қўмита ҳужжатларни топшириш ва Танлов комиссиясининг иш босқичлари муддатини ўзгартириш ҳукуқига эга.

31. Танловнинг республика босқичида ҳар бир номинациялар бўйича 1, 2 ва 3-ўрин совриндорлари бўлган иштирокчилар Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг тегишли даражадаги дипломлари билан тақдирланадилар ва 1-ўрин соҳибига базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробари миқдорида, 2-ўрин соҳибига базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 баробари миқдорида ва 3-ўрин соҳибига базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баробари миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

32. Танлов ғолибларини моддий рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг буйруғи асосида олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

33. Танлов ғолиблари олий таълим муассасаларининг ҳомий ташкилотлари томонидан қўшимча равишда рағбатлантирилиши мумкин.

34. Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ўз ҳисобларидан танлов ғолибларини қўшимча равишда моддий рағбатлантиришга ҳақлидирлар.

35. Ғолибларни мукофотлаш тадбири декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигига тантанали вазиятда ўтказилади.

36. Танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

37. Мазкур низом талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

“Йил талабаси-2019” Республика  
танлови низомига илова

## “Йил талабаси-2019” танловини ўтказиш СХЕМАСИ

Боскичлар	Тадбирлар	Ўтказиш муддатлари
I боскич  Олий таълим муассасаси боскичи	<ol style="list-style-type: none"><li>Танлов комиссиясининг таркибини шакллантириш ва тасдилаш.</li><li>Танловнинг олий таълим муассасаси боскичи ахборот таъминотини ташкил этиш.</li><li>Иштирокчилардан ариза ва хужжатларни кабул килишни ташкил килиш.</li><li>Танлов комиссияси томонидан иштирокчилар тақдим этган хужжатларни кўриб чикиш.</li><li>Танловнинг олий таълим муассасаси боскичи голибларини аниклаш.</li><li>Голибларга танловнинг республика боскичида иштирок этиш учун тавсияномалар бериш.</li></ol>	<ol style="list-style-type: none"><li>10 сентябрь – 15 сентябрь</li><li>10 сентябрь – 30 октябрь</li><li>10 сентябрь – 25 сентябрь</li><li>25 сентябрь – 15 октябрь</li><li>15 октябрь – 25 октябрь</li><li>26 октябрь – 30 октябрь</li></ol>
II боскич  Республика боскичи	<ol style="list-style-type: none"><li>Республика ташкилий қўмитасининг таркибини шакллантириш ва тасдилаш.</li><li>Олий таълим муассасаларидан танловнинг олий таълим муассасаси боскичида I-уринни эгаллаб голиб бўлган номзодларнинг хужжатларини қабул килиш.</li><li>Танловга келиб тушган хужжатларни кўриб чикиш.</li><li>Танлов ишларининг тақдимотини ўтказиш.</li><li>Йўналишлар бўйича танлов голибларини аниклаш.</li><li>Танлов голибларини мукофотлашни тантанали вазиятда ўтказиш.</li><li>Танловнинг ўтишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни ташкил этиш.</li></ol>	<ol style="list-style-type: none"><li>25 октябргача</li><li>1 ноябрь – 10 ноябрь</li><li>11 ноябрь – 20 ноябрь</li><li>21 ноябрь – 30 ноябрь</li><li>1 декабрь – 5 декабрь</li><li>10 декабрь – 15 декабрь</li><li>1 октябрь – 20 декабрь</li></ol>